**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI TEMIR YO‘LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI «O‘ZTEMIRYO‘LNAZORAT»**

# BUYRUQ

2021-yil “01” 04 TOSHKENT 177/1 - son

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 115-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 115-сон буйруғи ижросини таъминлаш, шунингдек, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 115-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Мазкур буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарори ижроси юзасидан “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши юзасидан назорат режаси” тасдиқлангани инобатга олинсин.
3. Инспекция бошлиғининг матбуот котиби - ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Хайриддинов), Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилоти (Кияшенко), 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини “Ўзтемирйўлназорат” инспекциясида 2021-2022 йилларда амалга ошириш юзасидан йўл харитаси ишлаб чиқилиши таъминлансин ва тасдиқлаш учун киритилсин.

4. Инспекциянинг Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилоти раис **Н. Киященко** масъул ижрочилар билан биргаликда Назорат режасида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаб борсин.

5. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими (Исмоилов) мазкур буйруқ билан марказий аппарат ва ҳудудий филиалларнинг барча ходимлари таништирилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Инспекция бошлиғи в.б.** **Д.Ахмедов**